

O'zbekiston iqtisodiy axborotnomasi

4/2010

TAHLILY JURNAL

ISSN 2010-6475

АНАЛИТИЧЕСКИЙ ЖУРНАЛ

1919

Экономический вестник Узбекистана

TOSHKENT
2010



4780090_020022

EVU

Ушбу нашр Узбекистон Республикаси Иктисодиёт вазирлиги хамда
Ташки иктисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги,
шунингдек, Халкаро саноат ямаркаси ва Кооперация биржа
дирекцияси билан ҳамкорлиқда тайёрланди

Выпуск подготовлен совместно с Министерством экономики,
Министерством внешнеэкономических связей, инвестиций и
торговли Республики Узбекистан, а также Дирекцией
Международной промышленной ярмарки и Кооперационной биржи

Hududlarda investitsion faollikning ahamiyati

Рая Карлибаева, илмий-тадқиқотчи

Mамлакат иқтисадиёти ҳар томонлама юксалтирилиши учун энг аввало, ҳудудларда олиб борилётган инвестицион сиёсатга алоҳида эътибор қаратиш керак бўлади. Бугунги кунда ҳудудларимизда ижтимоий-иктисодий тараққиётни таъминлаш учун хомашё базаси тарзида бир томонлама йўналишга қатъий барҳам берилиб, фаол инвестиция сиёсати олиб борилиши тақозо қилинади. Бу борада мамлакатимизда бир қатор муҳим ишлар амалга оширилмоқда.

Республикамиз Президенти И.А.Каримов таъбири билан айтганда, республикамиз бозор муносабатларига ўтаётган ҳозирги даврда ҳудудлар инвестицион потенциалини оширишда «Мамлакатимизда таркибий ўзгаришларни изчил амалга оширишда қулай инвестиция мухитининг яратилганлиги асосий омилдир, мамлакатимизда ўзлаштирилган барча инвестицияларнинг 50 фойзга яқини ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва техник қайта

жиҳозлашга йўналтирилганлигини айтиб ўтиш жоизdir». Ушбу вазифа ва мақсадларни амалга ошириш учун эса, инвестицион жараён фаоллаштирилиб, ҳудудларга йўналтирилган инвестиялар ҳажми кескин оширилиши лозим. Ҳудудлар инвестицион потенциалини оширишда, ҳудудларда хорижий сармоя иштирокида корхоналар барпо этиш, ташқи иқтисодий фаолият қатнашчиларининг рўйхатдан ўтказиш ва четга чиқариладиган маҳсулот учун руҳсатнома бериш тартиби соддалаштирилиши талаб этилади. Буларнинг барчаси ҳудудларга жалб этилаётган инвестицион маблағлар ҳажмини кўпайтиришга ва ташқи иқтисодий фаолиятни кучайтиришга экспорт ва импорт кўрсаткичларини яхшилашга ижобий таъсир қиласди.

Ривожланган мамлакатлар ҳудудлари иқтисодий тажрибасидан ҳамда қисман ҳудудий иқтисодиёт ҳолатларидан ҳам маълумки, инвестицияларнинг юқори молиявий самара беришини қўйидаги кўрсаткичлардан ҳам билиб олиш мумкин, жумладан:

- ҳудудларда қайта ишга туширилган корхоналарда янги иш жойлари

ташкил қилиниши, хорижий ҳамкорлар билан биргалиқда қўшма фаолият турлари йўлга қўйилиши;

- нафақат меҳнат ресурслари балки, корхоналарда менежерларнинг малакавий билимлари ва даражалатини ошириш;

- замонавий билимларни тарғиб этиш ва уларда қўнинмалар ҳосил қилиб, республикамизнинг муаяян шарт-шароитларига мослаштириш;

- ишлаб чиқариш салоҳиятини, шу жумладан, импорт ўрнини босадиган ва экспортга мўлжалланган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш;


- давлат бюджетининг даромад қисми шакланишига ҳисса қўшиб, мамлакатнинг ижтимоий-иктисодий ривожланишини таъминлаш.

Бозор иқтисодиётiga ўтиш баробарида республикамиз ҳудудларида турли мулк шакллари асосланган очиқ иқтисодиёт вужудга келмоқда. Турли мулк шаклидаги инвесторлар ҳудудий инвестицион жараёнда қатнашмоқда.

Жаҳоннинг ривожланган мамлакатлари тажрибасидан маълумки, бозор иқтисодиёти шароитида инвестицион фаолиятнинг катта ҳажми нодавлат мулкка асосланган акциядорлик жамиятлари шаклига тўғри келмоқда. Яқин келажакда хорижий инвесторлар амалга оширадиган инвестицион жараённинг ҳиссаси ҳудудларимиз инвестицион потенциали ошишида яна-да жадаллашиб боради. Бундан келиб чиқадики, инвесторларнинг ҳудудларда қайси мулк шаклига тегишлилигига қараб, инвестицион фаолият қўйидаги шаклларда амалга оширилади:

- давлат корхоналари ва ташкилотлари, давлат бошқарув органлари амалга оширадиган инвестицион фаолияти;

- жамоа, ижара, хусусий, акциядорлик ва бошқа нодавлат мулкка



асосланган хўжалик субъектлари, шунингдек, жамоатчилик уюшмалари, жисмоний шахслар амалга оширадиган инвестицион фаолият;

- хорижий давлатлар, уларнинг ҳуқуқий ва жисмоний шахслари билан биргаликда амалга ошириладиган қўшма корхоналар шаклидаги инвестицион фаолият шулар жумласидандир.

Ўзбекистонда чет эллик инвесторлар сифатида хорижий давлатлар юридик шахслари, фуқаролари ва халқаро ташкилотлар майдонга чиқиши мумкин. Чет эллик инвесторлар республикамизнинг юридик ва жисмоний шахслари ва фуқаролари билан биргаликда барпо этилган корхоналарга улуш қўшиб қатнашиши, бутунлай ўзларига қарашли корхоналар барпо этиши, мол-мулк, акциялар ва бошқа қимматли қофозлар сотиб олиш ва мулкий ҳуқуқларга эга бўлиш учун сотиб олиш билан улар фаолиятини йўлга қўйишлари мумкин.

Инвестицияларнинг кириб келиш даражаси инвестицияни қабул қилувчи мамлакатда ҳудудларнинг инвестицион потенциалини ошириша ҳуқуқий кафолатнинг яратилганинга, сиёсий барқарорликка, иқтисодий қулай шарт-шароитларнинг мавжудлигига ва бошқа омилларга боғлиқдир. Кейинги пайтларда жаҳонда хўжалик алоқалари ва халқаро меҳнат тақсимотининг ривожланиши, жаҳон бозорининг кенгайиши ҳамда ишлаб чиқаришнинг интернационаллашуви натижасида инвестициялар миграцияси кучаймоқда.

Шунинг учун ҳам, бугунги бозор муносабатларига ўтиш жараёнида давлат томонидан ҳудудлар инвестицион потенциалини ошириш мувофиқлаштирилган ҳолда ва уни тўғри ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади.

Инвестицияларнинг ҳудудларимизга тури یўналишларда кириб келишида лойиҳавий молиялаштиришини йўлга қўйишида, лойиҳаларни таҳлил этиш жараёнида умумиқтисодий изланишлар олиб бориш, таваккалчиликни баҳолаш, ижобий ҳал қилиш, молијавий ҳисоб-китобларни тўғри йўлга қўйиш катта эътиборга моликдир.

Иқтисодиётни эркинлаштириш асосида ҳудудлар инвестицион потенциалини кенгайтириш ҳамда инвес-

тициялар ролини кучайтириш лозим. Инвестициялар ҳажми реал миллий даромад даражаси, реал ссуда фоизи ставкаси, жамғарилган бойлик, макроиқтисодий барқарорлик, нархлар даражаси, инфляция кутилиши, қарздорлик, солиқقا тортиш ва шу каби омиллар билан белгиланади.

Инвестицияларнинг мультиплікатор ёки акселератор самаралари билан кучайган бекарорлиги умумий талабнинг бекарорлигини келтириб чиқаради, натижада, бир томондан, реал ишлаб чиқариш ҳажмларида қисқа муддатли тебранишлар юз беради, иккинчи томондан, ҳудудларнинг инвестиция базаси кучизланади. Шу сабабли, инвестициялар динамикаси, одатда, пул ва бюджет сиё-

сати орқали, шунингдек, чет эл инвестицияларни жалб қилиш билан барқарорлаштирилади.

Хулоса ўрнида шуни айтишимиз жоизки, мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳиятини оширишда унинг ишлаб чиқариш тармоқларини кенгайтириш, чет эл инвесторларининг инвестицияларни киритиш баробарида улар учун қулай шарт-шароитлар яратиш катта аҳамиятга эга. Зоро, чет эл инвесторлари билан ҳамкорликда қўшма корхоналар ташкил этиш янги иш ўринларини ишга тушириш, демакдир. Бу билан аҳолининг ишсиз қатлами иш билан таъминланишига, ҳудудлар иқтисоди ривожланишига эршилади.

